

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ОЛИМ

*география фанлари номзоди,
профессор И.Қ.Назаров
80 ёшида*

Бухоро давлат университетида 2021 йилнинг 1 май куни таниқли олим, география фанлари номзоди, профессор И.Қ.Назаров таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб *"Исроил Қиличевич Назаров ва чўлшунослик илми"* мавзусида республикамизда фаолият олиб бораётган географ олимлар иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилади.

Семинарнинг мақсади 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишда чўл ҳудудларининг ўрни, республикамизда чўлшунослик илми ва унинг долзарб муаммолари, профессор И.Қ.Назаровнинг илмий, илмий-иҷодий ва педагогик фаолиятида чўл ҳудудлари ва уларни ўрганишнинг амалий аҳамияти каби масалаларини таҳлил этиш кўзда тутилган.

Масъул муҳаррирлар:
А.М.Мавлонов, А.А.Қодиров

Такризчилар:
Қ.С. Ярашов, география фанлари номзоди, СамДУ доценти
Д.Ш.Явмутов, иқтисод фанлари номзоди, БухДУ доценти

БухДУ Табиий фанлар факультети илмий кенгашининг 2021 йил 3 апрелдаги 8-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

ЧЎЛШУНОС ОЛИМ И.Қ.НАЗАРОВ – 80 ЁШДА СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Ҳар бир инсон бетакрор, ўхшаши йўқ нодир мўъжиза. Буни Бухоронинг олис қишлоқларидан бирида туғилиб вояга етган география фанлари номзоди, БухДУ профессори И.Қ.Назаров тимсолида яққол кўриш мумкин.

Шофиркон туманидаги 6-сонли ўрта мактабни тугатган Исроил ака, 1958 йилда Тошкент давлат университетининг табиий география бўлимига ўқишга кириб, уни имтиёзли равишда 1963 йилда тугатади. 1963-1965 йилларда Қора денгиз бўйидаги Белгород-Днестровский шаҳрида ҳарбий хизматни ўтади. 1965-1967 йилларда эса Шофиркон туманидаги А.П. Чехов номли рус мактабида география фанидан дарс берди. Ниҳоят 1967 йилнинг август ойидан танлов асосида Бухоро давлат педагогика институтининг (БухДПИ) “Қишлоқ хўжалиги ва география” кафедрасига ишга қабул қилинади. Институтда мавжуд бўлган соғлом ижтимоий муҳит, талаб асосида ёш мутахассис маънавий чиниқади, юксалади.

У ўзининг шахсий ташаббуси билан 1970 йилда Туркманистон Фанлар Академиясининг Чўллар институти аспирантурасида ўқишга киришга муяссар бўлади. Ашхободда ҳимоя кенгаши йўқлиги туфайли 1975 йилда академик А.Г.Бабаев раҳбарлигида тайёрланган “Бухоро-Қоракўл воҳабўйи қумлари ва уларни ўзлаштириш масалалари” мавзусидаги диссертация ишини ТошДУ ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилади.

География кафедрасида хизмат қилаётган ёш, истеъдодли ўқитувчи 1979 йилда БухДПИ касаба уюшмаси ташкилоти раислигига сайланади. 1982 йилдан бошлаб унга география кафедраси мудир лавозими ҳам юклатилади. 1986 йилга келиб, институтга географ талабаларни қабул қилиш тўхтатилади. Шундан сўнг география кафедраси ботаника кафедрасига бириктирилади.

1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Истиқлол шарофати билан вилоятлардаги аксарият педагогика институтлари негизда

университетлар ташкил этилди. Жумладан, 1992 йилда Бухоро давлат педагогика институти ҳам Бухоро давлат университетига айлантирилди. 1992 йилдан университетда география таълим йўналиши бўйича талабаларни қабул қилиш, география кафедрасини қайта тикланишига рухсат берилади. И.Қ.Назаров 1992 йилдан 2010 йилга қадар кафедра мудир сифатида мақсадли фаолият кўрсатади. Бу даврда кафедрада кенг қамровли ўқув, ўқув-услубий, илмий ва ташкилий ишлар йўлга қўйилади ва улар фаол бошқарилади.

1992 йилда И.Қ.Назаров раҳбарлигида кафедра олдида “Глобус” илмий ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил қилинади. Унда ўрта мактаблар, коллежлар, музейлар учун “Рельефли макетлар” тайёрлаш ишлари йўлга қўйилади. Бухоро “Арк” давлат ўлкашунослик музейида, шунингдек айрим ўрта таълим мактабларини безаб турган рельефли макетлар шулар жумласидандир.

1996 йилдан бошлаб ЎзМУ география факультети билан илмий-педагогик ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилади. ЎзМУ географ олимларидан г.ф.д., профессорлар О.Ата-Мирзаев, Т.Мирзалиев, А.Рафиқов, А.Солиев, г.ф.н., доцентлардан А.Соатов, Ш.Зокиров, А.Эгамбердиевлар ҳар ўқув йилида махсус фанлардан дарс бериш ҳамда битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш ишларига жал қилинди. Бундай ҳамкорлик 2010 йилгача давом этиб келди.

2000-2006 йилларда чоп этилган 12-жилдли Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида И.Қ. Назаровнинг 30 дан ортиқ мақолалари жой олди. 2005-2009 йилларда география кафедрасида Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси (5А440503) мутахассислиги бўйича магистратура очилди ва уни 10 нафар магистрантлар таҳсил олди. Улардан М.Эргашова, И.Мирзоева, Г.Ҳалимовалар ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинди ва кафедрада кадрлар сифати яхшиланди.

Доцент И.Қ. Назаров раҳбарлигида “Чўл ландшафтларининг маҳаллий сув ресурслари (Бухоро вилояти) мавзусида илмий-амалий лойиҳа (2009-2011 йиллар учун) грантига сазовор бўлди. Бу лойиҳа (36 миллион сўм) юқори савияда бажарилди.

1990 йилда кафедранинг катта ўқитувчиси У.Нуров (профессор М.Умаров раҳбарлигида, СамДУ), 2008 йилда

кафедранинг катта ўқитувчиси Х.Тошов (доцент И.Қ.Назаров раҳбарлигида), ўқитувчи А.Мавлонов (профессор А.Солиев раҳбарлигида) номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Кафедранинг илмий салоҳияти мустаҳкамланди. Хуллас ўтган давр ичида (2010 йилгача) кафедра ўқитувчилари томонидан бир нечта монография, рисола, 300 дан ортиқ илмий, услубий мақолалар чоп этирилди. Кафедра ташаббуси билан 2006, 2010 йилларда икки марта БухДУда география фани бўйича Республика илмий-назарий, амалий конференциялари ўтказилди ва уларнинг материаллари чоп этилди.

2010 йил июнь ойида БухДУ илмий кенгаши қарори билан кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти учун И.Қ.Назаровга география кафедраси профессори илмий унвони берилди. 2011 йилнинг июнь ойида И.Қ.Назаров университет билан хайрлашди, меҳнат фахрийсига айланди. Ушбу даврларда ҳам ижодий изланишларга бўлган иштиёқ олимга сўнгани йўқ. Аксинча география фани назарияси, унинг фалсафий муаммоларига бўлаган иштиёқ, истак республикамизнинг нуфузли нашрларида И.Қ.Назаров томонидан ёритилиб келинди. Устознинг 2013 йилда чоп этилган “География фанининг асосий муаммолари” (Тошкент, “Муҳаррир” 212 бет) номли ўқув қўлланмаси 2014 йилда ўтказилган Республика танловида ғолиб деб топилди ва И.Қ. Назаров муносиб тақдирланди (“Маърифат”, №78, 27 сентябр, 2014 йил).

БухДУ профессори И.Қ. Назаровнинг илмий, педагогик ва ташкилотчилик фаолиятига баҳо берар эканмиз қуйидаги сифатлар яққол кўзга ташланади:

1. И.Қ.Назаров аввало жуда вазмин, одобли, кенг мушоҳадали, меҳрибон, маданиятли олим, шунингдек, устоз кези келганда қатъий фикрли шахс. Устоз катта оиланинг обрўли, жонкуяр эгаси, ҳаммага намуна бўладиган, ишонган отахони.

2. И.Қ.Назаров табиатни, айниқса, чўлни севадиган, унга тан берадиган мутахасис олим. Устоз чўлга “Чўл ҳаёт учун курашнинг ҳақиқий майдони”–дея таъриф беради. Чўл табиати имкониятларини ўрганиш учун устоз 50 дан ортиқ дала экспедициялари уюштирган ва унга кафедра аъзолари, кўпгина талабалар жалб этилган. Чўллар мавзусида ўтказилган сон-саноксиз Бутуниттифок, республика илмий конференцияларида ўз

маърузаси билан қатнашган, ўз хулоса ва тавсияларини билдириб келган олим.

Ёш изланувчи даставвал Бухоро-Қорақўл воҳалари атрофидаги қумли ландшафтларни ўрганади. Қумли ерларда маккажўхори, кунжут ва бошқа экинлар экиш сирларини қидиради. Воҳабўйи қумларининг типологиясини яратади, улардан фойдаланиш йўлларини излайди ва ниҳоят табиатни асраб-авайлаш усулларини қидиради. Иккинчи навбатда, Қуйи Зарафшн ўлкасининг табиатан бирбутунлигини изохлайди. Дарё ҳавзаси бир бутун табиий ҳосила, уни табиатан жонсиз оқимлар, яъни, ер усти, ер ости оқимлар, шамол, ҳаво массалари оқимлари бирлаштириб туради. Дарё бошидаги киши асал ичса, дарёнинг охиридаги эса, асал ичмайди деган хулосага келади. Бу ўринда геозкологик қонуният борлигини очик эълон қилади. Демак дарёнинг охири томон геозкологик муҳит ёмонлашиб боради, деган хулосага келади. Учинчи навбатда эса, Бухоро вилоятининг агроимкониятларидан самарали фойдаланиш йўлларини излайди ва Бухоро вилояти чўл-яйлов қисмида ландшафтларнинг 13 типини ажратиб, уларнинг маҳаллий сув, яйлов ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий асослари бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқади.

3. Кейинги йилларда И.Қ. Назаров география фанининг назарий ва фалсафий муаммоларига эътиборини кучайтирди. География фанининг икки қаноти (табиий, ижтимоий) бирлигини тан олган ҳолда, унинг генетик жиҳатдан бирбутун, мажмуали фан эканлигини тан олиш кераклиги, бундан буён умумгеографик синтез асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги тўғрисида ошкора айта бошлади. Бунинг методологик асоси эса диалектикада эканлигини бир неча бор уқтиради. Бакалавр географлар тайёрлашда аналитик ва синтетик географик фанларга алоҳида эътибор беришга чақиради.

4. И.Қ.Назаров ёш изланувчиларни танлаш ва уларга эътибор беришга доимо етакчи бўлиб келганлар. И.Қ.Назаровнинг истеъдодли талабалар билан тайёрлаган 100 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари анжуманларда талабалар томонидан эълон қилинган ва чоп эттирилган. Бу борада И.Қ.Назаровнинг кафедра ўқитувчилари, айниқса, И.Ш.Аллаёров, Х.Тошев, Г.Ҳалимовалар билан бўлган ҳамкорлиги таҳсинга

лойиқ. Кафедра ўқитувчиси Дилобар Қаландаровани СамДУ география факультети магистратурасида ўқиб келиши, бевосита И.Қ.Назаровнинг шахсий ташаббускорлиги билан боғлиқдир. Бундай хайрли ишларнинг сон-саногии йўқ.

5. Яқинда устоз И.Қ.Назаров ва шогирдлари Г.Ҳалимова ҳамкорлигида “География фанининг методологияси” номли ўқув қўлланмасини қўлзмаси тайёрланганлиги ҳақида эшитиб қолдик. Ушбу назарий асарни тезроқ чоп этилиши ва географ талаба ва ўқитувчиларга инъом қилинишини истаб қолардик.

Устознинг тиниб-тинчимас, изчил ижодкорлигини биламиз. 2010-йилгача И.Қ.Назаров томонидан 207 та илмий мақола, рисола, ўқув қўлланмалари, 60 дан ортиқ кундалик матбуотда чоп қилинган асарлари бор эди. 2010-2021 йиллар давомида эса меҳнат фахрийси бўлишларига қарамасдан 30 дан ортиқ нуфузли журнал ва конференцияларда илмий мақола ва тезислар чоп эттирди. Уларнинг сони жами 300 дан ортади.

И.Қ.Назаров 2020 йилдан Ўзбекистон География жамиятининг фахрий аъзоси бўлиш билан бирга “Проблемы освоения пустынь” халқаро журналнинг таҳрир хайъати аъзосидир. Устозга фақат ҳавасимиз келади, раҳматлар айтамыз. Бундан ташқари устозимизнинг география фани ва географларга айтган сон-саноксиз ҳикматомуз сўзлари, панд-насихатлари борки, улар бизни география фанининг моҳияти ва муаммоларини теран англашга, билишга, янги ютуқларга даъват этади.

Устоз И.Қ.Назаровни К.Гадоев ва С.Бердиевалар томонидан чоп қилинган (2015-йилда) “Ўзбек география фани фидойилари” монографиясига киритилганлиги, Исроил Қиличевичга бўлган юксак ҳурмат намунасидир. Бундай эътирофлар биз бухороликларни қувонтиради.

Ҳозир устоз И.Қ.Назаров ўз уйида, фарзандлар, набиралар ардоғида нафақа гаштини суриб юрибдилар. Айни глобаллашув даврида мамлакатимизда туб ислохотлар амалга оширилаётган тезкор замонда устоз И.Қ.Назаровнинг ижодий фаоллиги бизни беҳад қувонтиради, янги ютуқларга ундайди.

Ҳурматли устозга энг аввало соғлиқ-саломатлик, оилавий тинчлик, ижодларига янги-янги омадлар, парвозлар тилаб қоламиз.

БухДУ да Исроил Қиличевичнинг 60-70 йиллик юбилейлари кенг нишонланиб, улар асосида илмий конференция ва семинарлар ташкил қилинган, конференция тўпламлари, китоб ва рисолалар ҳамда илмий мақолалар чоп этилган.

2020 йилда устознинг 80 йиллик юбилейини нишонлаш режалаштирилган эди. Аммо дунёни ларзага солаётган коронавирус пандемияси оқибатида ушбу тадбир ўтказилмай қолди. Шундай бўлсада, Исроил Қиличевичнинг 80 йиллигига бағишлаб “Бухоро географлари: тарихи, бугуни ва келажаги” номли рисола, Ўзбекистон География жамияти ахборотининг 57-жилдида ҳамда Ашхобод шаҳрида нашр қилинадиган “Проблемы освоения пустынь” халқаро журналида кутловлар эълон қилинди.

Биз шогирдлар ҳурматли устозимизни 90, 100 йиллик юбилейларини биргаликда нишонлашни Оллохдан сўраган ҳолда, Исроил Қиличевичга узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фарзанд ва шогирдлар бошига доим сардор бўлиб юришларини тилаймиз. География фанининг жонкуяри Исроил Қиличевич Назаровнинг ибратли ҳаёт йўлини ўрганиш шогирдлар учун ҳам фарз, ҳам қарз. Шу боис, И.Назаровнинг илмий-педагогик фаолияти ва илмий-ижодий меросидан ёш авлодни баҳраманд қилиш мақсадида ушбу тўпламни тайёрладик. Тўплам икки қисмдан иборат: 1-қисм –И.Қ.Назаров географ олимлар ва замондошлари нигоҳида деб номланса, 2-қисмдан Ўзбекистон Миллий иқтисодиётини ривожлантиришда чўл ҳудудларининг ўрни ва аҳамияти ва география фани тармоқларига бағишланган илмий мақолалар ўрин олган.

*Мавлонов А.М. – БухДУ доценти, г.ф.н.
Қодиров А.А. – БухДУ таянч докторанти*